

2023-yil  
12-oktabr  
payshanba  
№ 125  
(4877)

# Ishonch

*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Хайрли ташаббус

Куну кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш ва «Яшил макон» кўзги мавсумини ташкил этиш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибдаги иккинчи масала сифатида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг амалга оширилиши кўриб чиқилди.

Ушбу лойиҳа бошланганидан буён ўтган 2 йил давомида уй-жой массивларида 1 минг 200 гектардан ортиқ яшил боғ ва жамоат парклари, 1 миллион гектардан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилди.

Жорий йил 25 октябрдан 1 декабргача «кўзги дарахт экиш мавсуми» эълон қилинади, унинг доирасида 85 миллион туп кўчат экиш режалаштирилган.

Бунда барча даражадаги раҳбарлар, вазирлар, ҳокимлар, маҳалла фаоллари, жамоат арбоблари, нурунийлар, санъаткор ва спортчилар, машҳур блогерлар ўрнатилган кўрсатишлари муҳимлиги таъкидланди.


Мутасаддиларга барча туман ва маҳаллаларда бир ой давомида кўчат ярмаркаларини ташкил этиш ва кўз мавсумида 30 миллион туп кўчат етказиб бериш вазифаси топширилди.

Тайёргарлик ишлари, кўчат тарқатиш, экиш жараёнларини туман-туман телевидение ва радио орқали ёритиб бериш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари кўз мавсумида ўтган йиллардаги хатоларни такрорламаслик шарт эканига эътибор қаратди. Жумладан, кўчат экишда манфаатдорликни ошириш лозим. Бу борадаги вазиятни ўзгартириш учун эндиликда автомобиль, темир йўл, дарё, каналлар ёқалари аҳоли ва тадбиркорларга шартнома билан ер тоифаси ўзгартирмасдан бўлиб берилиши белгиланди.

Ушбу эзгу ташаббус барчамиздан фаолликни, жонқурлик ва масъулиятни талаб қилади. Зеро, экилган ҳар бир кўчат келажакда дарахтга айланар экан, олам яшилликка, яшилликка бурканади, миллат келажакига хизмат қилади.

## Оламни яшилликка буркайлик!



### Фарғона вилояти

## Пенсияга 4 ой қолганда...

Наиля Ягудина ва унинг ҳамкасблари ишдан асоссиз бўшатиладигани

Ягудина Наиля 1995 йилдан буён Фарғона вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг атроф-муҳит инфосланиши мониторинги бўлимида биринчи тоифали мутахассис вазифасида ишлаб келар эди.

Аммо пенсияга чиқишига 4 ой қолганда Фарғона вилояти Табиат ресурслари бошқармасининг 2023 йил 18 майдаги тегишли буйруғига асосан у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 161-моддасининг 2-қисми 2-бандига асосан бекор қилинди. У билан бирга яна бир гуруҳ ҳамкасблари ҳам ишдан бўшатилади.

Бундан норози бўлган ишчи-ҳодимлар Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўраб, арз қилишди.

Кенгаш ҳуқуқшунослари томонидан мурожаат ўрганилганда, ташкилот касабга уюшмасининг йиғилиши ишчи-ҳодимлар иштирокисиз ўтказилгани, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги тақдимнома ҳодимлар иштирокида муҳокама қилинмагани аниқланди. Натيجида иш судга оширилди.

Адолат қарор топиб, Наиля Ягудина, Шаҳнозахон Давлатова, Шаҳодат Жўрабоева, Иқболхон Қўзибоева ва Светлана Исроилованинг ҳуқуқлари тикланди. Суд уларни ўз лавозимлари ва лавозимларига тенглаштирилган вазифаларга ишга тиклаш

бўйича қарор қабул қилди. Шунингдек, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар учун жами 100 миллион сўмдан зиёд пул маблағлари тўлаб бериладиган бўлди.

– Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг бевосита аралашуви ва амалий кўмаги билан мурожаатимиз ижобий ҳал этилди, – дейди Наиля Ягудина. – Бунинг учун соҳа ҳодимларига ўз миннатдорлигимизни билдирамыз. Шу иш асосида касабга уюшмалари ишчи-ҳодимларнинг ҳақиқий ҳимоячиси эканига яна бир бор амин бўлдим.

**Шоҳсўлтон ТЎХТАМАТОВ,**  
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

### Андижон вилояти

## ЖАРОҲАТ ИШ ВАҚТИДА ОЛИНГАН

Андижон шаҳридаги «Спектр» хусусий корхонаси ишчиси Мўмин Мўҳиддинов пресслаш дастгоҳида ишлар эди. Аммо иш вақтида жароҳат олгани оқибатида касбий меҳнат қобилиятини йўқотди. Махсус комиссия томонидан мазкур ҳолат ўрганилиб, унга ойма-ой тўлаш шартли билан зарар тўлови белгиланди.

Бироқ корхона маъмурияти молиявий аҳволи яхши эмаслигини рўқач қилиб, 2021 йил июль ойидан 2023 йил май ойигача бўлган мuddатдаги зарар тўловларини бермади.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ҳодимлари Андижон вилояти кенгаши М.Мўҳиддиновнинг манфаатини кўзлаб, корхонага нисбатан касбий меҳнат қобилиятини йўқотгани учун ойма-ой тўланадиган мажбурий зарар тўловни ундириш ҳақида даъво аризаси билан Андижон туманлараро судига мурожаат қилди.

Пировардида адолат устуворлигига эришилиб, суд қонун ҳужжатлари ва иш ҳолати юзасидан даъвогар фойдасига 13 миллион 844 минг 726 сўм зарарни ундириш бўйича қарор чиқарди.

Ҳа, қонунчиликда барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шартнолари яратилиш иш берувчи мажбуриятга кириши белгилаб қўйилган. Унга оғишмай амал қилиш керак!

**Анваржон ҲАЛИМОВ**  
«ISHONCH»



### Жиззах вилояти

Жиззах шаҳридаги мактабгача таълим ташкилоти ходими Насиба Жуманазарова меҳнат ҳуқуқи бузилаётгани учун юқори ташкилотларга шикоят қилган эди. Бундан дарғазаб бўлган мудира шаҳар юридик марказига сохта ҳужжат тақдим этиб, ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўллашга муваффақ бўлди.



## Интизомий чора бекор қилинди

Н.Жуманазарованинг Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига қилган мурожаати ўрганилди. Маълум бўлишича, у олий маълумотли бўлишига қарамай, кир ювувчи вазифасида ишлаб келган экан.

Тегишли ташкилотлар томонидан иш берувчига интизомий жазони бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритилса-да, мудира буни инобатга олмади ва низо судда кўриладиган бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, иш берувчи томонидан ходимга қўлланилган интизомий жазо чораси бекор қилинди.

**Сардор МЎМИНЖОНОВ,**  
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори





Сирдарё вилояти

– Шароит яхши бўлса, маза қилиб ишлайсан киши,  
– дейди қўли-қўлига тегмай қандолат маҳсулотларини қадоқлаётган Умида Отабоева. – Жамоамиз ақил. Меҳнатимиз орқасидан ҳар биримизнинг рўзгоримизга барака қиряпти.



Самарқанд вилояти

Аёл борки, ўз бахтини оилада, фарзандлар қувончида кўради. Меҳрибон, мушфиқ, гўзаллик ва садоқат рамзи саналган хотин-қизларимиз ҳаммаша эъзода. Аммо, минг афсуски, гўзал тимсол сифатида шууримизга синган зотлар орасида аёллик рутбасига мос келмайдиган ишларга қўл ураётганлари ҳам бор.

Хусусан, онанинг жиноятчи тамғаси остида, панжара ортида ўтиришини қайси фарзанд шунчаки қабул қила олади? Маҳаллада, мактабда, тенгдошлари орасида қандай бош кўтариб юради?..

Аёлларни жиноятга ундаётган омилларнинг илдизи нималар? Уларнинг дийдаси қотиб кетишига нима сабаб бўлмоқда?

«Аёллар дафтари» тизимининг 4-босқич доирасида жойларда маҳаллабай юриш орқали, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар таҳлил этилиб, кўнгилсизликларнинг олдини олишга доир ишлар жонлантирилиши асносида айни шу саволларга ҳам жавоб изланмоқда.

...Самарқандда ҳам аёллар томонидан содир этилган бир қатор оғир жиноятлар кўпчилик қалбини жунбишга келтирди. Ургут тумани «Чағизмон» маҳалласида яшовчи қайнона-келин ўртасидаги низо фожиали яқун топди. Оддийгина оилавий «ғиди-биди» охири-оқибати келин қайнонасининг бошига ғишт бўлаги билан уриб, унинг бевақт ўлимига сабабчи бўлиши билан яқун топди.

Самарқанд тумани «Жарқишлоқ» маҳалласида бир оиланинг заволга юз тутиши сабаби ҳам арзимаган тушунмовчилик туфайли юз берди. Қайнонага аччиқ қилган 26 ёшли келин жаҳл устида ўзи ва 3 нафар вояга етмаган фарзандини «Янгиариқ» маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи Дарғом каналига ташлаганига нима дейсиз? Ана шу фожиали воқеа ортидан икки нафар гўдак увол кетди.

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аммо шахсининг қалти қадмалар ташлашининг сабаблари кўп. Уларнинг баъзиларига на тарбия ва панд-насихат қор қилади. Пастдарғомлик И.А. оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиши ортидан умрини панжара ортида ўтказиб келмоқда. Ачинарлиси, у ўн беш йиллик қамоқдан сўнг ҳам хулоса чиқармасдан тақдоран жино-



Қашқадарё вилояти



Навоий вилояти

Бугунга келиб, эътироф этиш жоизки, бошланғич тизим вакиллари томонидан меҳнатқашларнинг манфаатларини ҳар томонлама муносиб ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган ишлар ҳар қачонгидан салмоқли бўлмоқда. Айниқса, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги турли низоларнинг олдини олиш, халқимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, иш ҳақлари ўз вақтида берилишини таъминлаш, соғломлаштириш, касабга уюшмаларига аъзо қилиш масаласида олиб борилаётган ишлар юқори самара бериш билан бирга, аҳоли фаровонлигини ошишига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

## Таҳлил

## Беминнат мададкор

Жумладан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида Навоий вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспекторлари ҳамда жисмоний ва юридик шахслар муносабатлари билан ишлаш бўлими мутахассислари томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга 14 та даъво аризаси киритилди. Шундан 13 таси қаноатлантирилди. Фуқаролар фойдасига жами 342 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Балки бу ҳам ишонч белгиси бўлса керак-да, фуқаролар томонидан келиб тушаётган муносабатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 бараварга кўпайди.

Кенгаш вакиллари томонидан вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар меҳнатида ўз вақтида ҳақ тўлаш борасида ўтказилган ўрганишларга қарайдиган бўлсак, мамлакатимиздаги энг йирик иш берувчилар қаторида турадиган «ElektroKumyozavod» АЖ, «Elkimyo-Superfos» МЧЖ ҳамда «AgroKumyo» МЧЖларда ходимлар иш ҳақидан 625,6 миллион сўм миқдордаги муддатга ўтган қарздорлик мавжудлиги аниқланди. Уни тўлиқ ундириш ва меҳнатқашлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳокимликларга, шаҳар прокуратурасига, мажбурий ижро бюросларига бир неча мартаба хат чиқарилди ва бу муаммо тўлалигича бартараф этилди.

2023 йил давомида касабга уюшмага аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан ишчи-ходимлардан 230 нафари, уларнинг оила аъзоларидан 361 нафари тизим санаторийларида мароқатли дам олиш билан бирга саломатликларини тиклаб қайтирилди. Бунга 2 миллиард 173 миллион 728 минг сўмлик маблағ сарфланди. Турли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларга 5 миллион 700 минг сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда вилоят касабга уюшмалари тизимида 203 минг 418 нафардан ортиқ аъзо борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган юксак вазифалар қўламини тобора кенгайиб бормоқда.

Нормурод МУСОМОВ  
«ISHONCH»

## Фаолият

## Рўшнолик меҳнат билан...

Унинг ҳаракатларидан ўз ишининг устаси эканини англаш қийин эмас. Қўшни хонада турли ширинликлар тайёрлаётган Санобар Намозова, Жаннатой Нарзуллоева ҳам ундан қолишмайди. «Имрон» белгиси остида қадоқланаётган маҳсулотлари эса харидоригир. 16 нафар ишчига бошчи Жамшид Файзиев аёли Севара Файзиева билан ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янада кўпроқ иш ўрни яратиш ҳаракатида.

Хунарманд Маъмура Аҳмедованинг ишлари ҳам таҳсинга сазовор. Тикувчилик цехида буюртма кийим-кечаклар тиқишни йўлга қўйган тадбиркор 10 нафар аёлнинг бандлигини таъминлади. Улар асосан «Аёллар дафтари»да турган, кам таъминланган оилаларнинг уй бекаларидир.

– Шу ерда ишлаб, болаларим учун

кийим-бош, ўқув анжомлари олиб мактабга чиқардим, – дейди Дилафрўз Бекманова. – Меҳнатингга қараб, яхши ҳақ тўлашади.

Хозир қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тикувчилик, умумий овқатланish фаолияти йўлга қўйилиб, обод қилинган бу жойлар Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг фойдаланилмай турган бино ва иншоотлари бўлиб, улар тўлиқ қайта таъмирланиб, жиҳозланди. Кенгаш таъсисчилигида «Касаба сервис трейд» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Натижада 30 нафар аёл иш билан таъминланди. Улар яратилган қўлай шароитдан, хунарлари ортидан рўшнолик топаётганларидан мамнундирлар.

Гўзалой ХОЛБОЕВА

## Жамоатчилик назорати

шунингдек, товламачилик ҳамда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳам кўпайган.

– Аёлнинг шаънига тўғри келмайдиган ишга қўл урдим, – дея ишчи гуруҳ билан мулоқотда ўз кечмишини сўзлаб беради С. – Бу очлик ёки юпунликдан эмас. Шайтон йўлдан урди, ўғрилиқ қилдим. Қўлга тушиб маҳаллада юзим шувут бўлди. Қонунларимиз кечиримли. Адашганимни тан олгач, жазо белгилан-

тавсиф беришга зўр бердик. Унинг кўнгли, оиласидаги муаммо, турмуши ичига кириб боришда расмиятчиликдан нарига ўтилмади. Аёл аксар ҳолларда ўз дарди билан яқин-ёқин қолиб кетаверди. Натижада юқоридagi рақамларда ҳам акс этиб турибди.

Самарқандда ўтган саккиз ойда хотин-қизлар ўртасида содир этилган 523 та жиноятнинг 380 таси оққорани таниган, ёши 30 дан ошган аёллар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳали 18 ёшга кирмаган 10 нафар қизнинг бу кўчага кириб қолганига не дейсиз? 200 га яқин жиноятлар ишламайдиган аёллар ва уй бекалари томонидан содир этилган.

– Хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича ички ишлар идоралари ва жамоатчилик вакиллари томонидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Шу чоққача 6277 та оила вакиллари билан суҳбат ўтказилиб, профилактик ишлар олиб борилди. 3953 та аниқланган муаммонинг 3329 таси жойида бартараф этилиб, нотинчликка барҳам берилди.

Профилактик ҳисобда турувчи 691 нафар хотин-қизнинг муаммолари устида ишланмоқда. Уларни ишга жойлаштириш, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, даволашга муҳтожлиги аниқланиб, даволаш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар олиши, тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишларига кўмаклашилди.

Айни чоғда узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган 63 163 нафар аёлнинг оилаларига ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилиб, ягона реестрга киритилган. Четда ишлаётган аёлларнинг уйда қолган 201 228 нафар оила аъзолари, шу жумладан, фарзандларнинг турмуш тарзини ўрганиш орқали 48 299 нафари манзилли қўллаб-қувватланди.

Мақсадимиз шундай: аёлнинг муборақ номига гард кўнмасин. Зеро, мулоқот асносида уларнинг дарду ташвишларини билар эканмиз, қалби безовта қилаётган туйғуларига қўлоқ тутар эканмиз, шундагина кўнгиларда нши уриши мумкин бўлган жиноятнинг манфур илдизига барҳам бера оламиз.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

## Аёллик шаънига доғ тушмасин



йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида Самарқанд вилоятида умумий жиноятчиликда хотин-қизлар улуши 12,5 фоизга ошган. Худудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Иштихон ва Ургут туманларида аёллар жиноятчилиги олдинги йилларга нисбатан бир неча баробарга кўтарилганини кўриш мумкин.

Маълумотларга кўз ташлаб, аёллардаги жиноятга мойилликнинг бу қадар тезкор шитобидан ёқа ушлайсан, киши. Саккиз ойда ўғрилиқ, тан жароҳати етказиш, фирибгарлик борасида қонун бузилишлари,

аммо фарзандларим олдида ерга қарайман. Уша кезларда уларнинг мунгли нигоҳлари шууримда қотиб қолди. Ҳали-ҳануз болаларим кўзига тик боқолмайман.

Тан олиш керак, йиллар давомида жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олиш биргина ички ишлар органларининг вазифаси, деган нотўғри қарашга таяниб келинди. Жамоатчиликнинг таъсирчан кучини деярли ҳис қилмадик. Энг катта нуқсон шундаки, йиллар давомида «фалончи жиноятга қўл урибди» дейилса, унга ижобий

## Замон билан ҳамқадам

Педагогларни ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат шароитлари яратишда туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз тобора ривожланиб бораётган.

Хусусан, жорий йилда 11 нафар педагог «Қашқадарё соҳили» санаторийида бепул соғломлаштирилди. 100 нафарга яқин ходим ва уларнинг яқин қариндошларига имтиёзли сўхатгоҳ йўланмалари берилди. Ўқитувчиларнинг 220 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда дам олиб қайтишди. Кам таъминланган 50 нафар ўқувчига ўқув-қуроллари тақдим этилди.

Шунингдек, фахрий педагоглар ҳолидан хабар олиш – бурчимиз. Шунга кўра, яқиндагина бўлиб ўтган «Устозлар миллий форуми»га соҳада кўп йиллар меҳнат қилган фахрий ўқитувчилар ҳам таклиф этилди. Фахрий устозларнинг форум чоғида олдинги

давр ва бугунги кун таълимини муқояса қилиб айтган сўзлари ёш педагоглар учун дастуриламал, янада яхшироқ ишлашга ундод ва чорлов бўлмоғи лозим.

Албатта, таълим сифатини яхшилаш ҳақида сўз кетаркан, бу машаққатли меҳнат талаб этадиган иш эканини тан олиш жоиз. Қувончлиси, бу борада ҳам ижобий силжешлар бор. Жумладан, Яққабоб туманида фаолият олиб бораётган 436 нафар чет тили ўқитувчисидан 137 нафари инглиз тили йўналишида халқаро сертификат олди.

Республика мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Россия маориф вазирлиги билан ҳамкорликда «2020-2030

йилларда Ўзбекистон Республикаси мактабларида рус тили фани ва умумтаълим фанларини рус тилида ўқитишнинг сифатини ошириш»га қаратилган «Зўр!» лойиҳаси («Класс!») лойиҳасида туман ўқитувчилари фаол қатнашиб, 20 нафар педагог халқаро С1 сертификатига эга бўлди.

Бундан ташқари, давлатимиз эътибори остида ўқитувчи ва ўқувчиларга қўлай шароитлар яратиш мақсадида жорий йилда тумандаги 36 та таълим муассасаси замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланди. Бунинг учун 5,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. 18 та мактаб ва 3 та мактабгача таълим ташкилотига ашиш энергия тизими доирасида қуёш панеллари ўрнатилди.

Алишер ХОННАЗАРОВ,  
Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси  
Яққабоб тумани кенгаши раиси

? Сўранг,  
жавоб берамиз...



МУЛК  
ОТАНИКИ  
БЎЛСА...

САВОЛ: Касби психолог бўлган қариндошим отасига тегишли бўлган нотураржой мақомидаги квартирандан психология бўйича хусусий амалиёт билан шўғулланиш, мижозларини қабул қилиш учун фойдаланмоқчи. Отаси квартира учун мулк солиғи ва коммунал тўловларни тўлаб келмоқда, ундан ҳақ талаб қилмайди. Бундай ҳолатда отаси билан қандайдир шартнома тузиши шартми ва шартнома тузилиши унга ёки отасига қўшимча равишда солиқ мажбуриятини юклайдими?

Дилшоода САМАДОВА  
Чиноз тумани

ЖАВОБ: Қариндошингиз ушбу квартирандан мижозларни қонуний асосларга эга бўлган ҳолда қабул қилаётганини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши учун отаси билан нотураржойдан бегараз (ижара ҳақи тўламасдан) фойдаланиш тўғрисида шартнома тузиши лозим бўлади.

Бу ўринда ижарага берувчи ҳам, ижарага олувчи ҳам жисмоний шахслар бўлгани ҳамда ижарага олиш ва ижарага бериш натижасида улар томонидан даромад олинмаётганлиги сабабли бу шартнома ҳеч қандай қўшимча солиқ мажбуриятларини келтириб чиқармайди.

Отаси квартира учун мулк солиғи ва коммунал тўловларни тўлашни давом эттириши, қариндошингиз эса психолог сифатида мижозларини қабул қилиш ва психология бўйича хусусий амалиёт билан шўғулланиш фаолиятини қандай расмийлаштирилган (давлат рўйхатидан ўтказилган) бўлса, шунга қараб солиқ ва бошқа тўлов мажбуриятларини бажариши мумкин.

Хўқуқ ва халқаро  
ҳаёт бўлими

## Эътибор



Фарғона вилояти

# Муштарийлар қандай фикрда?

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоасининг фарғоналик муштарийлар, касба уюшма фаоллари ҳамда матбуот тарқатувчилар билан юзма-юз мулоқоти ташкил қилинди



Дастлаб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Оригул Қозихонова сўзга чиқиб, газеталар ўзининг дидли, ранг-баранг саҳифалари билан муштарийлар қалбидан жой олаётганини эътироф этди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов ўз чиқишида нашрларнинг мазмун-мундарижаси, жамиятдаги ўрни, чоп этилаётган мақолалар, матбуот тарқатиш, уни муштарийлар қўлига етиб боришига бўлган жараёнларга алоҳида тўхталди.

Газетхонларнинг фикрини ўрганиш, қайси мавзулар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиришини билиш мақсадида ташкил этилган учрашувда муштарийлар томонидан нашрларнинг мазмун-мундарижасини янада бойитиш борасидаги таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

– Севимли нашрларимизда чоп этилаётган ранг-баранг мавзудаги мақолалар муштарийларни бефарқ қолдираётгани йўқ, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қувасой

шаҳар кенгаши раиси Раҳматжон Ниёзов. – Айниқса, «Жавобини кутаётган саволлар» саҳифасининг йўлга қўйилгани, очиги, матбуот нашрлари орасида янгилик бўлди. Унда кўплаб ечимини излаётган саволларга атрафлича жавоб олинмоқда. Бу эса ўз-ўзидан газетанинг жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу руқндаги материаллар газетанинг ҳар бир сонидида бериб борилса, деган таклифни берган бўлар эдим.

– Ушбу ижодий мулоқот биз учун қизиқarli бўлди, – дейди Фарғона политехника институти касба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Дадажонов. – Муассасамизда 1 минг 200 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири «Ishonch» газетасининг муштарийси. Газетани ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқиймиз. Шаҳсан ўзим «Касба уюшмаси аралашган...», «Долзарб мавзу», «Оғриқ тишлар» каби руқнлар остида берилаётган мақолаларни қолдирмасдан мутулаа қиламан. Таклифим шундан иборатки, муштарийлар билан учрашувлар мунтазамлик касб этса...



Мана шу муҳим мавзулар «Ishonch» газетасида дадил кўтарилди ва ҳукумат даражасида кўриб чиқилди. Айтмоқчи бўлганим, ушбу масалалар газетанда ёритилган, ходимлар ўртасида тиббий кўрик бепул бўлишига эришилди. Бунинг учун газета жамоасига миннатдорлик билдираман.

– Газетанинг ҳар сонидида ўткир-ўткир мавзулар қаламга олинади, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Зоҳиджон Қодиров. – Таклифим шуки, газета саҳифаларида ишлаб чиқаришда рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг тафсилотлари, келиб чиқиши сабаблари кенг ёритиб борилса, бу иш бевуқинчи ҳам, ходимнинг ҳам сергак бўлишига ундаган бўлар эди.



– Албатта, газетанинг ҳар бир сонидида ўқувчини қизиқтирадиган, ўзига тортадиган мақолалар кўп. Ўзим ҳуқуқшунос бўлганим учун касба уюшма аралашуви билан ишга тикланган, иш ҳақи ундириб берилган материалларга алоҳида диққат қаратаман, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юриконсулти Авазхон Тўраҳўжаев. – Бу орқали ҳудудларда фаолият олиб бораётган ҳамкасбларимнинг иш фаолияти билан танишиб бораман. Ўзимнинг ҳам айна шу мавзуларда ёзган мақолаларим севимли газетамизда чиқади.

– «Ishonch» газетаси севимли нашримизга айланган, – дейди Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали касба уюшма кўмитаси раиси Баҳромжон Ибодуллоев. – Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Келинг, биттасини айтиб бераман. Бир неча йил олдин соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимлар тиббий кўриқдан ўтишида қатор муаммолар юзага келар, баъзилари чиқимдор бўлиб қолишар эди.

– Газета бугун замон билан ҳамнафас равишда одимлаб бормоқда, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Шохсултон Тўхтамавов. – Бунга газетанинг электрон вариантнинг йўлга қўйилганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Айни жихат ҳам газетанинг янада оммалашушига, ўқувчиларнинг сони кўпайишига хизмат қилмоқда, десам, адашмаган бўламан. Қолаверса, газетанинг сарлавҳалари ва дизайни ҳам бошқа газеталардан ажралиб туради. Газетадаги ёндашув, ёзилиш услуби ҳам муштарийларни ўзига чорлайди.

Бир сўз билан айтганда, Фарғонада ўтган «Ishonch» кунлари газета саҳифаларини бундан-да бойитиш учун ўзига хос мулоқот платформаси бўлди.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»



## Газетхонлар билан самимий мулоқотлар

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ходимларининг хоразмлик газетхонлар билан ўтказган навбатдаги ижодий мулоқоти самимий, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

### «ЎЗИГА ХОС РАКУРСГА ЭГА НАШР»

– Ҳар бир иш кунини газета мутулаасидан бошлашга одатланганман, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева. – Айниқса, «Ishonch» газетасини ва рақламаган куним йўқ ҳисоби. Очиги, тахририят ходимларининг ҳар бири ўзига хос услубга эга. Танлаган мавзусига бошқача ракурсдан қараши, ҳозиржавоблиги ва тезкорлиги мени ҳайратга солади.

Биргина мисол. Яқинда Самарқанд вилоятида Туркий давлатлар касба уюшмалари ташкилотининг таъсис йиғилишида қатнашдим. Тадбирдан сўнг поездда Тошкентга қайтадиган бўлдик. Поездда газетанинг ушбу йиғилишга бағишланган махсус сонини тарқатишди. Йиғилиш ҳақидаги мақолани ўқиб туриб, ижодий жамоага яна бир бор тан бердим.

Охириги йилларда мамлакатимизнинг жаҳондаги макеи янада мустаҳкамлашиб бораёттир. Шунга монанд Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳам дунёнинг етакчи касба уюшмалари билан ҳамкорлик ришталарини кенгайтирмоқда.

Фикримча, газета саҳифаларида ҳамкор давлатлар касба уюшмалари фаолиятига доир таҳлилий мақолалар бериб бориши йўлга қўйиш керак. Шунингдек, касба уюшмалари тарихи ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Ташкилот қандай пайдо бўлгани, тизимда қандай фидойий инсонлар ишлагани ҳақида ҳам ёритиб борилса, фойдадан холи бўлмасди.

Учрашувда, шунингдек, АОКА Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Дилбар Беканова, «Хоразм ҳақиқати» ва

«Хорезмская правда» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Солиязон Раҳимберганава ҳам сўзга чиқиб, босма нашрларнинг аҳамияти, жамиятда газета ўқиш ва китобхонлик кўнимасини шакллантириш зарурати ҳусусида тўхталиб, «Ishonch» энг севимли нашрлардан бири эканини, миллатнинг бугунги ва эртаси олдиди газетанинг хизматлари беқийлигини эътироф этишди.

### «ISHONCH» ДАН ЎРНАК ОЛАМИЗ

– Ҳар доим «Ishonch» дан ўрناк оламиз, – дейди «Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Солиязон Раҳимберганава. – Айниқса, мутасаддилар олдида қўйилаётган саволлар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий мавзулардаги танқидий чиқишлар бизни бефарқ қолдирмайди. «Газеталар нега керак?» қабилида фикрловчилар «Ishonch» ни бир варақлаб, кейин фикр билдирса, арзийди.

Ахир, омма эътиборига ҳавола этилган ва этилаётган танқидий мақолалар натижасида кўплаб муаммолар ўз ечимини топмоқда. Умуман, жамият ҳаётида телевидение, радио ва бошқа ОАВлар қатори босма нашрларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти жуда катта.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муассар Раҳимова ва бошқалар ҳам «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ҳар бир сонини қизиқиш билан мутулаа қилиб боришларини айтиш асноси ўз таклифлари билан ўртоқлашдилар.

Умуман, Хоразмдаги «Ishonch» кунлари ҳам тахририят, ҳам газетхонлар учун фойдали бўлди.

Мўҳаббат ТўРАБОЕВА «ISHONCH»



## «Ҳаётимиз ва фаолиятимиз кўзгуси»



Сирдарё вилояти

Бугунги газетхон нозик дидли – танлаб ўқийди. Қуруқ ҳисобот ва рақамлардан, шунчаки жўн хабарлардан иборат матбуот нашри ўқувчини зериктиради.

Бунинг яхши англаган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоаси ҳаммиса изланишда. Ҳар йили жойларда газетхонлар билан учрашувлар ўтказиб, муҳлислар билан юзма-юз мулоқотларда уларнинг фикрини ўрганади, таклифлари асосида газетанинг безагидан тортиб, эълон қилинаётган материалларнинг мазмундорлиги, мавзулари хилма-хиллигига ижодий ёндашишга ҳаракат қилади.



– Кўпчиликдан жуда кўп яхши фикрлар, таклифлар чиқади, – деди Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган «Ishonch» кунлари доирасидаги учрашувни очар экан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари фаолиятимиз кўзгусига айланган. Унинг яна ҳам ўқишли бўлиши учун биздан ҳам фаоллик талаб этилади.

Учрашувда газета ижодкорларидан тажрибали публицист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Абдунаби Ҳайдаров, газета бўлим муҳаррири Салимжон Абдурахмоновлар иштирок этишди.

– Жамият тараққиётида матбуотнинг ўрни жуда катта, – деди Абдунаби Ҳайдаров. – Мен салкам ярим асрдан буюн матбуот соҳасида ишлаб келаман. Ёлгон-яшиқлардан холи, энг ишончли манбаа – газета. У – тарих. Халқнинг энг янги кўмакчиси. Шу маънода, газетхонларнинг фикри ҳам нашрнинг ўқишлилигини таъминлайди. Бугун биз муштарийлар ҳузурига шу учун келдик.

Савол-жавоблар билан кечган учрашувда кўплаб таклифлар берилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Фахрий журналист Мунаввар Пардаев газетачиликдаги турли жанрлардаги, хусусан, суд очерки жанридаги материалларни кўпайтириш таклифини айтган бўлса, «Ўзбектелеком»

акциядорлик компанияси Сирдарё филиали касба уюшмаси кўмитаси раиси Шухрат Сиддиқов чет эл касба уюшмаси ҳаётидан ҳам лавҳалар берилиши қизиқarli бўлишини айтди. Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Янгиер шаҳар кенгаши раиси Улуғбек Алланазаров матбуот тарқатувчиларга ўз эътирозларини билдираркан, кечкиб олинган нашрдаги хабарлар газетхонга қизиқ бўлмай қолишини таъкидлади.

– Узоқ йиллардан бери газетанинг муҳлисман. Ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман, – деди Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси Қаршибой Эшназаров. – Айниқса, «Жавобини

кутаётган саволлар» руқнида тайёрланаётган мақолаларда кўтарилган мавзулар жуда маъқул. Таклифим уларнинг натижаси ҳам шу шаклда «Жавобини топан саволлар» деб эълон қилинса, яна ҳам яхши бўларди.

«Мамлакатни электр қуввати билан таъминлашда янги корхоналар ташкил этиляпти. Нурчилар ҳаётини ёритишга ҳам кўпроқ ўрин берилса...».

Бу таклиф «Сирдарёэлектртрармоқлари» акциядорлик жамияти бошланғич касба уюшмаси кўмитаси раиси Шавкат Мирзабеков томонидан билдирилди.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича

маъсул ташкилотчиси Али Мамарасулов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши Ижтимоий суғурта бўлими мудири Раҳматулла Султоновлар маънавий-маърифий мавзуларда ўқишли мақолалар берилаётганини, газета ижодкорлари билан бундай учрашувлар бесафар кетмаслигини таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ижодий учрашувда иштирокчилар газета тахририятининг келгусидаги режаларидан ҳам воқиф бўлишди. Мулоқот самимий ва қизғин руҳда ўтди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА «ISHONCH»



Халқимизда «Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон» деган нақл бор. Маъноси тушунарли. Ҳанафийлик мазҳаби таълимотини Мовароуннахрга олиб кирган улғ олим Абу Ҳафс Кабир Бухорий (768-832 йиллар) инсоннинг камбағал бўлишига сабаб бўлувчи омиллар сирасига нон ушоқларини оёқ остига ташлаш, юзни этак билан артиш, ўйни супурмай қўйиш, остонада ўтириш, идиш-товоқни ювмаслик, ювқисиз қўл билан таом ейтиш, ота-онанинг номини айтиб чақириш, тиш билан тирноқ олиш, ёши катталар ва оқсоқоллар олдида кесиб ўтиш каби иллатларни ҳам киритган экан.



# НОННИНГ УШОҒИНИ ҲАМ УВОЛ ҚИЛМАНГ!

Энди асл муддаога ўтас. Бир ўспирин набиранинг бобосига нодонлик билан айтаган сўздан келган пушаймонлик ўзи учун бамисоли милтиқдан отилган ўқ бўлган экан.
- Ҳой болам, нонни босаяпсан! - дебди бобо набирасига.
- Бобо, бу нон эмас, молнинг охурига солинадиган ушоқ.
- Нодонлик қилма, уни териб ол!
- Ҳеч қўймадингиз-да! Жўраларимди бари футболда. Сизди ишингиз менми-нан. Қиздан ҳам баттар қилдингиз.
Ўспирин қўлидаги идишни кўтариб ерга урибди. Идишдаги пўчоғу увоқ ер билан битта бўлибди. Чол ачинибди:
- Ҳой телба, териб ол, акс ҳолда, кўр бўласан!
- Э, менга деса, кўзим оқиб тушсин...
- Тавба де, нодон.
- Демайман! Демайман! Демайман!!!
...Ушдан буён қанча сувлар оқиб, қанча боболар ўтиб кетди. Бола вояга етиб, армия сафида йигитлик бурчини ўтади. Кейин қурувчилик би-

лаш шуғуллана бошлади. Бир куни иш пайти кўзига тепадан нимадир тушгандек бўлди. Бормаган дўхтири, кўрсатмаган табиби қолмади. Барибир фойдаси бўлмади. Вақт ўтгани сайин кўзи хираллашиб бораверди. Охири ғишт қоллипидан кўчгани аён бўлди. Бироқ набира хатосини англаб етганида, оқар сув оқиб кетган эди. Оқибатда илтижолари тош босмади. У «Уша воқеа синов экан. Мени нодонлик ўз домига тортган экан... Ноннинг уволи тутар экан!» деб кўп афсус-надоматлар чекди. «Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳақ гапни айтиб кетган экан. Кўзим «камбағал» бўлиб қолди. Билмаганлар, билиб қўйинг!» деб оҳ-воҳ кўтарди...
Бу воқеани ёзар эканман, Нуротанинг Ғазониди фидокорона меҳнат қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор, машҳур қорақўлчи Ғаффор Ҳожи Обидов беихтиёр ёдимга тушди. У жуда меҳнаткаш ва тадбиркор инсон эди. Эҳтимол, телевизорда кўргандирсиз, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов катта

## Мушоҳада

бир мажлисда унинг бошидаги дўпписини меҳр билан тўғрилаб қўйганди.
Иттифоқо, шу киши билан бирга Ғаж-дувонга йўлим тушди. Зиёрату тижоратлар тугагач, сўлим тамаддихоналардан бирига кирдик. Овқатланиб бўлганимизда дастурхонда уч бурда нон ва ушоқлари қолди. Ҳожи ака дуодан кейин уларни эринмай териб, рўмолчасига солди ва тўрваҳалтасига жойлаштирди. Шерикларимиздан бири ажабланиб қараётганини сезиб, шундай деди:
- Эсимни танибманки, отам ўғитига амал қилиб, ҳалол ризқимни увол қилмадим. Ноннинг ўзини, ушоғини ҳам қадрлайман. Худо берган обрўни давлатим самараси ва баракотини шундан деб билман. Мана, ҳозир ҳам дастурхон атрофида дуога қўл очиб, Аллоҳ берган ризқ-насибага шукур қилдик ва ундан мўл-кўллик сўрадик. Амалда буни зиддини қилсак, нима бўлиши аниқ: биздан кейин бу нон бурдаларини қолдиқ деб ҳеч ким емайди. Сал инсофи бори молга беради, нодони ювиндига қўшиб тўкиб юборади. Мен ноннинг уволи тутишига кўп бор гувоҳ бўлганман...
Азизлар, мен сизга ривоят эмас, кўрганим ва эшитганимни айтдим. Билганга у ўғит, билмаганга тўқимадай бир гап. Қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

Суюндик Мустафо НУРОТОЙ, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоси



ISSN 2020-3002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOSLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02, Navoiy viloyati - (+998-99) 889-90-28, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Navbatchi muharrir: A.Haydarov, Musahhihlar: D.Xudoyberganova, D.Ravshanova, Sahifalovchi: H. Abdullilov, Bosishga topshirish vaqti - 22:30, Tahririyat - 23:00, Bahosi kelishilgan narxda, Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy, E-mail: ishonch1991@yandex.uz, Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «ipoteka banki» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OLIK: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-913 Nashr ko'rsatkichi: 133 1 2 3 4 5 6 Umumiy adadi 30387 14056 nusxasi «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

## Ҳаётий ҳикоя

Бу воқеага 30 йилдан ошди, аммо ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди... Авжи ёз эди. Тонг сахарлаб журналист сифатида хизмат сафарига отлангандим. Янги «ЛАЗ» салқин-мусаффо ҳаво бағрини ўқдек тилиб, катта йўлдан шиддат-ла олға интиларди. Мен автобус ойнасидан ташқарига боққанча, ётоғидан эринибгина бош кўтараятган офтобни, аста-секин заррин нурларга чулғанаётган борлиқни томоша қилиб борардим. Йўлнинг икки тарафи кета-кетгунча дала бўлиб, ахён-ахёнда ён-атрофдан пайкал оралаб ёзга чилпиётган аёллару, пахтага ишлов бераётган тракторлар кўзга ташланиб қоларди. Бу манзаралар менга мушздайлигимдан яхши таниш бўлса-да, негадир кенг пахтазорлардан ҳадеганда кўз узолмасдим...

Бир маҳал хаёлим бўлинди. Автобус Оққўрғон муюлишига етганда тақа-тақ тўхтади. Оқ-сарикча мойил юзлари ялтираган, сочлари сийрақлашган барваста қоматли ҳайдовчи моторни ўчириб, иккала эшикни ҳам ланг очаркан, эълон қилди:
- Беш минут перекур! Кейин дальше кетамиз!..

лар! - Эркак тиланчи ўз тилида ҳасратини айта кетди. - Мен дардманман, ишлашга курбим етмайди. Илтимос, ёрдам беринг. - У шундай дея, ён томонига энгашди. - Ҳеч бўлмаса, манави чала етимчага раҳмингиз келсин, - деди қизчага имо қилиб. - Унинг кўзлари чақалоқлигидан яхши кўрмайди, қулоқлари эшитмайди. Худо омадингизни



# МУЮЛИШДА

У шундай дея, йўлкира йиғишга мўлжалланган сумкачаси билан керакли хужжатларни қўлига олди. Кабинадан пастга чаққон сакраб тушиб, машина филдиракларини бир-икки тепиб кўрди-да, сал наридаги кўримсизгина нозимхона томон юрди. Худди шу пайт автобустга олдинги эшикдан озгин, новча бўйли бир одам билан ети-саккиз ёшлар чамасидаги нимжонгина қизалоқ чиқа бошлади.

Бир қарашда англадим - улар ота-бола тиланчилар эди. Аф-ангорларни, уст-бошларни, юриш-туришларни шундан далолат бериб турарди. Айниқса, қизчанинг кўри-ниши афтодаҳол эди. Қайта-қайта ювилаверганидан ранги униқиб, гуллари билинмай кетган кўйлаги кир-чир, этаклари йиртилган. Туфлсининг учлари кўчган. Тўзгин малла сочларига яқин орада тороқ тегмаган. Саратон кўшида қорайган юз-қўллар тарам-тарам ёрилган. Чамамда, кўзлари ожиз бўлса керак, бир нуқтада қотиб қолган, киприклари қилт этмасди.

Эркакнинг аҳволи ҳам қизчаникидан авло эмасди. Эҳнида аскарларнинг ташландик кийими. Оёғида кўнчи кесилган эски кирза этик. Бошида ийғи чиққан кепка. Соч-соқоли ўсиқлигидан ёши нечадалигини билиб бўлмайди. Мовий кўзларининг четларини хилим босган. Боқишлари алланечук совуқ ва лузумсиз. Ота-болани ўзимча тиланчиларга йўйиб янглишмаган эканман. Улар зинапоядан кўтарилган-кўтарилмас, автобус ичиде дўриллаган овоз янгради:
- Эй, яхши одамлар! Эй, сахий инсон-

б е р с и н , йўлларингиз беҳатар бўлсин, биздан эҳсонингизни аяманг, хайр-садақа қилин! - У сўзини туга-таётиб, «Юр!» дегандай, боласини оҳиста туртиб қўйди. Қизалоқ олға қадам ташлаши асноси қафларини жуфтлаштирган ҳолда кўлларини кўкраги баравар кўтариб, олдинга чўзди. Рангпар лаблари билинар-билинмас титраб, алланамаларни пичирлай бошлади. Отаси эса бўғиқ илтижолари оҳангда тағин бо-яги гапларини такрорлашга киришди:
- Очимиздан ўлмайлик, биздан меҳр-мурувватингизни дариг тутманг, илтимос, яхшилар!..

Шубҳасиз, бу ҳолат йўловчилар кўнглини шамдек эритди. Қизалоққа кимдир танга, кимдир қоғоз пул узатди. Уртарақда ўтирган болали бир аёл елим халтасидан тандир нон чиқариб, унинг қўлига тутқазди. Эл қатори мен ҳам чўнтагимни кавладим... Ота-бола орқа эшикка яқинлашганларида ҳайдовчи қайтиб келди-ю, уларни кўриб, бирдангина бақира кетди:
- Ҳов, исқирт! Кеча мен сенга нима дедим, эсингдан чиқдими?.. Акан, бўл тез, пастга туш!.. Очиги, қорақўз, қорақўш, миқти гавдасидан куч ёғилиб турган ҳайдовчидан бундай кўполлиқни кутмагандим. Шу боис чдайд ол-мадим, уни инсофга чақирмоқчи бўлдим.
- Ака, бу бечораларга нега дўқ урасиз? Аҳволларини кўриб турибсиз-ку...

- Э, сиз жим ўтиринг, ука! - Ҳайдовчи сўзимни чўрт кесиб, кескин қўл силтади. - Нима қиласиз билмаган нарсанингизга аралашиб? - деди зарда аралаш. - Бу пианистанинг кимлиги шу ўртадагиларга отнинг қашқасидек маълум. Ўз боласининг ногиронлигидан фойдаланиб кун кўришдан ор қилмаган одам бировнинг яхшилигини тушунарилади? Қайтага тузингизни еб, тузингизга тугуради. - Ҳайдовчи гапининг давомини айтиб ўтирмади. Турган жойида бўйинини чўзиб, яна ота-болага ўшқирди. - Ўв-в, бўласанларми-йўқми ёки санларни ўзим... У жаҳл устида йўловчиларни оралаб, орқага ўтди. Сўкина-сўкина ота-болани автобустан тушириб юборганч, шахд билан бориб рулга ўтирди. Елкаси оша менга ошиғич қараб нимадир демоқчи бўлди-ю, индамади. Соатига бирров назар солди-да, моторни ўт олдириди.

Зум ўтмай автобус текис йўлдан елиб кетди. Терак бўйи кўтарилиб қолган кўёш болагидек майин жилмайиб боқар, далалар тобора заррин нурларга чулғаниб борар, ён-атрофда ҳаёт қайнарди. Аммо менинг аввали кайфиятимдан асар ҳам қолмаганди. Манзилга етгунча ота-болага ачини-иб, ҳайдовчини хаёлан айблаб бордим. ...Қайтишда бошқа автобустга ўтирдим. Бу вақтга келиб офтоб сариқ барқашдек бўлиб Ғарбга ёнбошлаган, бироқ ҳали тафти қайтмаганди. Автобус ичи ҳаммомдек исиб кетганидан нафасни бўғиб, одамни лоҳас қилар, йўловчиларнинг юз-кўзларидан шаррос тер қуйларди.

Хайрият, таниш муюлишга етганимизда бу ҳайдовчи ҳам беш дақиқалик «танафус» эълон қилди. Кўпчилик туша солиб, ўзини йўл четидеги дарахлар соясига урди. Ташналикка чидамаганлари пиво ва сув сотиладиган дўконча сари шовшилди. Мен ҳам уларга эргашдим. Илиброқ қолган газли сувдан бир стаканини даст кўтариб чанқоғимни қондиргандай бўлдим, кўлларимни чайиб олиш мақсадида дўконча ортидаги ариқ бўйига ўтдим. Айни шу лаҳза қулоғимга инграшга ўхшаш овоз чалинди. Илкис хушёр тортиб, атрофга разм солдим.

Қарасам, пиво бочкалари турган жойда бир одам юз тубан тушиб ётибди. Уст-боши чанг, ҳамма ёғига хас-хашак илашган. Кўнчи кесилган этининг бир пойи оёғидан тушиб қолган. Чап қўлида фикимланган кепка, инкинчисида винодан бўшаган шиша. Хар замон-хар замонда ётган жойида безовта қимирлаб, ғудраниб қўяди. Сал нарида эса рангпар, нимжонгина қизалоқ, Толга сувганча, пашшага талани ўтирибди. У кўзларини юмиб олиб хаёл сураятгани ёки ухлаб қолганими - дабдўрустан фарқига боролмадим. Қизалоқ тез-тез қабоқларини учириб, беихтиёр тамшаниб қўярди...

Булар эрталаб ўзим кўрган ота-бола тиланчилар эди. Улардан юз ўгириб, ортимга буриларканман, қулоқларим остида алланечук зардали овоз янграгандай бўлди:
- Сиз нимаянги билардингиз, ука! Мен кунда-шунда бу пианистани яхши танийман. Боласининг ногиронлигидан фойдаланиб кун кўрайдиган одам ҳам одамми?..

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



Қадрият Саховатли ОТАХОН Куз... Ҳазонрезги барглр қоплаган хиёбон бўйлаб бораётган эдим. Бир маҳал мендан ўн қадамча олдинда беш-олти яшар қизалоқ билан ёнма-ён қадам ташлаб бораётган, эгнига беқасам тўн кийган, бир қўлида сомондан тўқилган сават кўтариб олган отахон диққатимни тортди. Қизалоқ нимадир деганди, у юришдан тўхтади. Саватдан ҳошиясига шарқона безак берилган, учлари тугилган белбоғини ерга қўйиб, тугунини ечди. Унда майиз, ерёнғоқ, бодом, туршак ва қўрут бор экан. Қизалоқ уларни иштиёқ билан тановул қила бошлади. Отахон эса сал нарида ўйнаётган болакайларни ҳам «очил дастурхон»га таклиф этди. Улар зум ўтмай, бобо ва невар атрофини ўраб олдилар. Йўлнинг нариги тарафида сайр қилиб юрган сайёҳлар ҳам уларнинг сафига келиб қўшилдилар.

- Ассалому алайкум! - Қай бири бошини эгиб, қай бири кўлларини кўксига қўйиб ёки баланд кўтариб саломлашди ва ўз тилларида ҳар хил савол бера бошладилар. Отахон уларнинг гапини тушун-маса-да, хуш тавозе билан лутф қилди:
- Ваалайкум ассалом! Келинлар, меҳмонлар, келинлар! Қани, марҳамат, манави неъматлардан баҳраманд бўлинглар. Сайёҳлар белбоғ устидаги қуруқ мевалардан бирма-бир татиб кўришга кириндилар. Оғзига туршак солганларининг аввалига юзи буришди, кейин чиройи очилди.
- Во-оо, маз-за! - деди ўрта яшар аёл туршакни шимаркан.
- Бу нима? - деб сўради бошқаси дўланани кўрсатиб.
- Бунни дўлана дейдилар, у тоғда ўсади. - Отахон қўли билан тоғ расминни чизди.
- Дю-лен-не! - деди аёл тили келишмай.
- Дюлене эмас, дўлана.
- Дю-ле... - яна ду-дукланди меҳмон.

Отахон ҳарчанд уринмасин, ўзбекчага тили келишмаётган аёлни хижолат қил-гиси келмади шекилли, гап ўзанини бошқа ёққа буриб, дўланани таърифлашга ўтди.
- Бу мазали, тўйимли ва энг шифобахш мевалардан

бири. Бизнинг юртимизда бунақа ноз-неъматлар жуда кўп. - У қўли билан бошқа меваларни ҳам кўрсатди. - Қани, тортинмай, мана булардан ҳам олинглар. Ош бўлсин! Ҳа, айтганча, яхшиси, буларни ҳаммасини олиб кети-б, бошқа дўстларингиз билан баҳам кўринг.
У шундай дея белбоғни унинг қўлига тутқазди. Аёл эса, пул узатиб, «Шу ета-димми?» деган маънода унга боқди.
- Ие, бу нима қилганингиз? Мен келиб-келиб, меҳмондан пул оламанми?.. Асло йўқ! Чунки халқимиз меҳмондўст. Меҳмонни атои Худо дейди. Мен бу меваларни сотмаяпман, сизларни хурсанд қилиш учун бераяпман.

Шу ердан ўтаётган бир қиз инглизчани биларкан, отахоннинг гапини сай-ёҳларга таржима қилиб берди. Шундан сўнг бояги аёл ҳам, ҳамроҳлари ҳам унга раҳматлар айтиб, йўллариде давом этишди.
Мен бу ҳолатни кузатарканман, отахоннинг хатти-ҳаракатларидан, самимийлиги ва кексаларга хос фазилати-дан хурсанд бўлдим. Юрти-мизда сахий, қўли очик ва олижаноб кишилар кўпчили-дан ғурурландим.

Фотима АБДУРАИМОВА

## Эълонлар

Янгийўл туманидаги «XIDRALIYELAR BOG'1» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.
\*\*\*
«GREEN TV» МЧЖ (СТПР: 302 996 279) устав жамғармаси 2 681 167 795 сўм 46 тийиндан 2 345 167 795 сўм 46 тийинга қайтабаёнлаштирилганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.
\*\*\*
Олмазор тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими, Олмазор тумани «Баркамол авлод» болалар мактабига тегишли герб тасвири туршиларган думалоқ муҳр йўқолгани сабабли бекор қилинади.